Ушбу сонда:
2 ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ
3 АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 ОУК ОРОЛИНИНГ СИРИ

MEZON:

Муаллифнинг асарни таржима қилишга ва қайта ишлашга бўлган мутлақ ҳуқуқлари таржима қилинган ёки қайта ишланган асарга нисбатан ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Муаллифнинг дизайнерлик, архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш лойиҳаларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари бундай лойиҳаларни амалда рўёбга чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Қабул қилинган архитектура лойиҳасининг муаллифи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачидан қурилишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бино ёки иншоотини қуриш чоғида ўз лойиҳасини рўёбга чиқаришда қатнашиш ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 50-51 (506)
2006 йил
19 декабрь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Инсонпарвар сиёсатнинг устувор вазифаси

Президентимиз томонидан янги — 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили, дея эълон қилингани юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.



Мана, бунёдкорлик ва ободончиликларга бой бўлган шиддаткор 2006 йил ҳам якунланиб бораётир. Дарвоқе, умрни оқар сувга бежиз қиёслашмаган. Баъзан югурик кунлар этагидан тутолмай, рисоладаги эзгу ишларнинг барчасига улгура олмай қоласан. Кимгадир эзгу тилагингни айтишга фурсат тополмай, кимдандир сўралмай қолган узрларни эслаб афсусланасан. Эзгу амалларимиз кимнингдир кўнглига малҳам бўлганидан эса қониқасан. Ҳеч ким эътибордан четда қолмадими, савобли, хайрли ишлар барчага манзур бўлдими, деган ўй-фикр доимо кишини бедорликка чорлаб туради. Янги йил арафасида ҳар биримизнинг қалбимиз орзуларга лиқ тўла. Кимдир тўй қилиш, биров янги уйга кўчиш, оила кам-кўстини бутлаш, ёру биродарларга кўмак бериш тараддудида. Ортингда қолаётган йилда амалга оширган ишларни сарҳисоб қиларкансан: кўп ишларни бажардим, лекин ҳаммасига улгурмадим, имкониятлар бор эди, бундан-да яхши амалларга қурбим етарди, деган инсоннинг кўнгли таскин топадиган имкон-илинжи бисёр. Бу янги йил — истиқболдаги режалари, умидорзулари!

2007 йилда фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон сиёсатидаги устувор вазифа — аниқ мақсадга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсатни кенг-кўламда намоён этишдан иборатдир. Мамлакатимизда жорий йилнинг ҳам аҳоли манфаатларига йўналтирилгани юртдошларимиз қалбида янада янги умид ва ишонч туйғуларини уйғотди. Айниқса, ўтган бир неча йилнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмунга эга номлар билан аталиб келингани, ижтимоий тараққиётга қаратилгани ижобий ўзгаришларга — халқ турмуш даражасининг ўсишига, ҳаётининг фаровонлашувига, жисмоний соғлом, маънан баркамол авлоднинг камол топишига хизмат қилди. Кириб келаётган янги йил ҳам ўтган йилларнинг мантиқий давоми бўлиб, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати замирида аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси ётганини англатади. Бу — мамлакатда ижтимоий адолат принциплари барқарорлиги йўлида қўйилган яна бир муҳим қадамдир. Айнан 2007 йилда давлат бюджетининг 54,1 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилади, имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган, кекса ёшдаги фуқароларга, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламига давлат томонидан бериладиган моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилади. Холис айтганда, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимидаги кенг қўламли ўзгаришлар янги йилда янада кенгроқ кўлам касб этади. Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламга бериладиган нафақалар учун бюджетнинг 7 фоизи ажратилган. Бундан ташқари, давлат бюджети ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлаш, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган бир неча турдаги солиқ ставкаларини пасайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатлари улушини кўпайтириш назарда тутилган.

Мамлакат ижтимоий тизимидаги устувор вазифалардан яна бири бу – соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдир.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, **«Биринчи галда, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилишига алоҳида аҳамият қаратиш, «Соғлом она-соғлом бола» деган шиор остида катта эътибор билан бошлаган ҳаракатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммога замонавий кўз билан қараш ва етарли даражада маблағ ажратиш масалалари доимий диққат марказимизда туриши даркор».**

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг шу йил 25-26 август кунлари бўлиб ўтган еттинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. Куни кеча эса ана шу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун матбуотда эълон қилинди.

Istiqlol va imkoniyat

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҚОНУН

у инсон манфаатларига хизмат қилади

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 28 февралдаги «**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги «**Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад эса фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чораларини кучайтириш, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга бериш ҳамда расмийлаштиришни тартибга солиш, автомототранспорт воситалари хусусида битимлар тузиш чоғида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, бу борадаги жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир.

Ушбу янги қонун тўрт моддадан иборат бўлиб, унинг асосида қайд этилган қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, бу ўзгартиш ва қўшимчалар нимадан иборат?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, ушбу янги қонунга биноан «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**»ги кодексга «**Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш**», деган янги — 176³-модда киритилди. Унга кўра, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади. Шу билан бирга, ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо сифатида жарима солиш ҳуқуқи маъмурий ишлар бўйича судьяларга берилгани ҳам қонундаги янгиликлардан биридир.

Бундан ташқари, «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**»ги кодекснинг «**Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)**», деб номланган 287-моддаси ҳамда «**Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш асослари ва тартиби**» номли 291-моддасига киритилган ўзгартишлар эса 176³-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шунингдек, уларнинг транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш ҳуқуқи ички ишлар идоралари, давлат солиқ идоралари ва Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг мансабдор шахсларига берилди.

(Давоми учинчи бетда)

Sharh

ЯНГИ ТАЛАБ ВА ҚУЛАЙЛИК

Жорий йилнинг 24 майида давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилган мазкур қарор тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган «**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида**»ги Низом 2006 йил 1 сентябридан кучга кирди.

Шу ўринда ушбу янги Низом илгари амалда бўлган меъёрий ҳужжатлардан қайси томонлари билан фарқ қилади, деган табиий савол туғилади.

Аввало шуни айтиш керакки, 2003 йил 20 августда тасдиқланган «**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида**»ги Низомда муҳандислик коммуникацияларига (газ, энергия, иссиқлик манбаи, сув билан таъминлаш ва бошқа) уланишни ваколатли идоралар ва коммунал хизмат ташкилотларида рухсатнома хусусиятига эга бўлган техник шартларни расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни белгиланган муддатларда расмийлаштириш тартиби ва муддатлари белгиланган эди.

Янги таҳрирдаги Низом эса ер майдонларини ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига уланиш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда татбиқ қилинмайди.

Бундан ташқари, эски ва янги таҳрирдаги низомлар орасида яна қуйидаги фарқлар бор:

— **илгари рўйхатдан ўтказувчи ваколатли идорага ариза берилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиш ва унга гувоҳнома беришгача ўтадиган муддат 7 иш кунигача чўзилиши мумкин эди. Эндиликда бу муддат 2 иш кунидан ошмайди;**

— **илгари фирма номи тўғрисида гувоҳномани олиш тўғрисида статистика идораларига берилган ариза 3 иш кунигача кўрилиши мумкин бўлса, эндиликда кўпи билан 2 иш кунигача рухсат этилади.**

Бундан ташқари, янги Низомда ортиқча оворагарчилик ва сансоларликнинг олдини олиш учун илгариги Низомда бўлмаган бир қатор янги масъулиятли вазифалар ҳам белгиланган. Хусусан, таъсисчилар тақдим этадиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келиши учун жавобгардир.

Илгари рўйхатдан ўтказувчи ташкилот томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор, зарур ҳужжатлар деҳқон хўжаликлари бўйича 2 иш кунидан ва юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари учун 3 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги кўзда тутилган бўлса, янги Низомда давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарор ва ҳужжатлар тақдим қилинган пайтдан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи идора томонидан 3 иш соати ичида қабул қилинади.

Эндиликда статистика органлари томонидан бериладиган код билан юридик шахс коди (КТУТ) рўйхатдан ўтказувчи органга узлуксиз равишда ҳар ой учун кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай берилади. Юридик шахс кодлари квотаси бир ойда давлат рўйхатидан ўтказилаётган тадбиркорлик субъектлари юридик шахсларнинг ўртача миқдоридан келиб чиқади. Ўз навбатида солиқ тўловчига идентификация рақамини бериш солиқ ва солиққа тортиш идораси томонидан 8 иш соати мобайнида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи идора — тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампи эскизлари янги Низом ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлса, уларни тайёрлашга рухсатнома расмийлаштиради.

Хулоса ўрнида айтганда, Юртбошимизнинг юқоридаги шарҳланган қарори фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига янада кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

О.КАРИМОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Xabar

ТАҚДИМОТ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежида Касб-ҳунар коллежлари учун мутахассислик фанларидан тайёрланган дарсликлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуманда Адлия вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Оммавий ахборот воситалари вакиллари ва талабалар иштирок этишди.



Тадбирни Тошкент юридик коллежи директори Озод Ҳусанов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Тошкент Давлат юридик институти ва Тошкент юридик коллежи томонидан тайёрланган 15 турдаги юридик ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, анжуманда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, етуқ ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда ушбу дарсликлар муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Бинобарин, масъул ташкилотлар раҳбарлари, талаба ёшлар ўз чиқишларида мамлакатимизда юридик ўқув қўлланмалари ва дарсликлар етишмаслигига бугунги кунда барҳам берилгани, яратилаётган янги-янги дарслик ва ўқув қўлланмалари талаба ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишларида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тадбирда мазкур юридик адабиётлар баъзи камчилик ва нуқсонлардан холи эмаслиги ҳам эътироф этилиб, келгусида бу борада қилинажак ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Анжуманда зарурий дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда кўрсатган фидойилиги учун бир қатор муаллифлар **«Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси»** кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шоҳиста ҚУШБОҚОВА

Bugunning gapi

ШАРТНОМА МАДАНИЯТИ

Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий бўғинга айланди. Янги таҳрирдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликларига шартномалар тузишда ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Фермер хўжалиги фаолиятини эса шартномасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, фермер мазкур қонун ҳужжатларидан нафақат хабардор бўлиши, балки уларнинг қонуний асосда тузилишидан манфаатдорлигини тўла англаб етмоғи даркор.

Шартномаларни тузиш эркин ва бунда тарафларнинг ўзаро тенг манфаатдорлигига эътибор қилинади. Шартнома интизомига риоя этиш ва тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги масалалари шартномавий муносабатларнинг асосий тамойилидир. Шунингдек, айрим турдаги шартномалар намунавий шартлар (қишлоқ хўжалигида асосан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича) асосида ишлаб чиқилиши мумкин эканлиги ҳам қонунларда белгилаб қўйилган.

Албатта, бугунги кунда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг раҳбар ҳамда мутахассисларида шартномага ҳуқуқий ҳужжат сифатида қараш шаклланиб бормоқда. Мазкур соҳага амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида адлия ва прокуратура идоралари ҳузурида алоҳида бўлимлар ташкил этилган, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажариш мониторинги жорий қилинган.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulogot

ТАЪМИРЛАШИНГИЗ МУМКИН

Яшаш учун арендага жой олган эдим. Айтинг-чи, бу турар жойни ўз ҳисобимдан қайта таъмирласам бўладими?

Б.ШАМШИЕВ,
Тошкент шаҳри

— Ҳа, сиз арендага олган жойни яшаш шароитини яхшилаш мақсадида таъмирлашингиз мумкин. Бу ҳақида «Уй-жой» кодексининг 91-моддасида қайд этилган. Ушбу моддага мувофиқ, турар жойни арендага олувчи шахс, агар аренда шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, арендага берувчининг розилиги ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз маблағи ҳисобидан турар жойларда яшаш шароитини яхшиловчи ўзгартиришлар қилиш, реконструкциялаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Агар арендага берилган турар жойнинг сифати арендага берувчининг розилиги билан яхшиланса, шартнома муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинганда, башарти аренда шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, арендага олувчи ушбу мақсадда қилган барча харажатларини ижарага берувчи томонидан қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Арендага берилган турар жойни яхшилаш учун арендага олувчи томонидан арендага берувчи билан келишилмаган ҳолда амалга оширилган харажатлар қиймати, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қопланмайди.

НЕУСТОЙКА НИМА?

— Аксарият ҳолларда қарз берган ёки қарзни ундирмоқчи бўлган ташкилот қарз пулини қарздордан вақт ўтгандан сўнг (пеня) неустойка билан бирга ундириб олади. Айтинг-чи, неустойка нима ва у қандай ҳолларда қўлланилади?

Ш.ҚОДИРОВ,
Навоий шаҳри

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 260-моддасида қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланиши қайд этилган.

Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас.

Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ушбу кодекснинг 261-моддасига мувофиқ, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажарган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Қарздор мажбурият бажарилишини кечиктириб юборганда тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатининг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади. Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак.

Кодекснинг 263-моддасида эса қонуний неустойка ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун таъқиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

КАФОЛАТ БЕРИШИ ШАРТ!

Яқинда дўкондан телевизор харид қилган эдим. Аммо уйга олиб келгач, унинг носозлиги маълум бўлди. Айтинг-чи, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи сотилаётган товарига кафиллик бериши қонунда ўз ифодасини топганми?

Ф.АҲМЕДОВ,
Чуст тумани

— Ҳа, ишлаб чиқарувчи ва сотувчи истеъмолчига товар сотилган вақтда кафиллик мажбуриятларини олиш ҳақида қонунларда қайд этилган. Жумладан, **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 11-моддасида шундай дейилган: **Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатган кундан бошлаб ҳисобланади.**

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан, бутловчи буюмлар бир меъёрда ишлашини (қўлланишини, улардан фойдаланишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёж қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва сотиши қонунда ман этилади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Инсонпарвар сиёсатнинг устувор вазифаси

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Пойтахтдан узоқ ҳудудларда замонавий типдаги қишлоқ врачлик пунктларини барпо этишни изчил олиб бориш, даволаш профилактика муассасалари тармоғини такомиллаштириш, уларни юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббий амалиётда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутини қисқартириш, айниқса, Республиканинг чекка, экологик жиҳатдан ноқулай туманларидаги аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни янада жадаллаштириш ҳам Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалардандир.

Янгиланаётган замон, шиддаткор давр янги ижтимоий муносабатлар тизимининг пайдо бўлишига замин яратмоқда. Жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш маҳалланинг ўзини-ўзи бошқариш идораси сифатида шаклланиши маҳалланинг ўзбек жамиятида самарали институт сифатида таркиб топаётганини намоён этмоқда. Жамоавий, ўзини-ўзи бошқариш институти, ўз ўрнида, ижтимоий муносабатлар тизимида фаоллик кўрсатиши керак. Маҳалла миллий анъаналарига, қадриятларига эътибор ортиши, ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга кўмаклашиши даркор. Ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган маҳалладa соғлом муҳитни таъминлашда ўзининг масъул эканини ҳис қилиши лозим. Юртбошимиз маърузасида қайд этилганидек, **кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозонаётгани бежиз эмас, албатта.**

Демакки, Ижтимоий ҳимоя йилида маҳалла зиммасидаги масъулият янада ортади. Юртдошларни бир-бирига елкадош бўлиб, баҳамжиҳат эзгу амалларга йўллайдиган бу жамоавий тузилма фаолияти янги йилда янги босқичга кўтарилиб, азалий удумларини янада кенгроқ ва таъсирчанроқ намоён этиши лозим бўлади.

2007 йилда ижтимоий соҳада кўзда тутилган ўзгаришларнинг пировард мақсади: кам таъминланган оилаларнинг давлат ҳимоясига олиниши, ота ва она меҳридан жудо бўлган болаларнинг бошини силаш, ёш авлодни баркамол ва соғлом тарбиялаш, оналик ва болалик муҳофазаси ҳар биримиздан жонкуярликни, фаолликни талаб этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганларидек, **«Ўзўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».**

Дарҳақиқат, эл-юрт манфаати йўлидаги ҳаракатлардан ҳеч биримиз четда турмаслигимиз лозим. Ўтган йилги хайрли ишлар бардавомлиги таъминланиши, ҳомийларнинг, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг беғараз кўмаги, соғлиқни сақлаш, таълим тизими ходимларининг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этиши тайин. Айниқса, ижодкор, санъаткор зиёлиларимиз ғайрати бу борада барчамизга ибрат бўлади, деган умиддамиз. Негаки, янги йил мазмун-моҳияти, аввало, амалиёти билан қадрлики, аҳолига ижтимоий ҳимоя чин маънодаги эзгу амалиётлар билан боғлиқ жараён эканини ижодкорларимиз кенг тарғиб-ташвиқ этишлари даркор.

Бир сўз билан айтганда, 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили ҳар биримиздан хайрли ва савоб юмушларга енг шимариб киришишни талаб этади. Аслида ҳам, эзгу ишлар жуда қадимдан халқнинг юксак инсонпарварлик фазилати саналиб келинган.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Bugunning gapi

ШАРТНОМА МАДАНИЯТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Лекин бу билан шартнома маданияти тўла-тўкис қарор топди, дейишга ҳали эрта. Чунки биринчидан, баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари шартнома тузишга бефарқлик кайфиятидан қутулган эмас. Иккинчидан, айрим фермерлар фаолиятида шартномага боғлиқ масалаларда сусткашлик, ҳатто тузилган шартномалар билан танишиб кўрмаслик ҳолатлари учрайди. Учинчидан, айрим фермер хўжаликларида юридик хизмат тўлиқ йўлга қўйилмагани шартнома маданиятининг юксалишига халал бермоқда.

Маълумки, фермер хўжаликлари тегишли тартибда контрактация шартномалари тузади. Баъзан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, экинлар нобуд бўлиши ёки сув танқислиги оқибатида шартномада кўрсатилган миқдорда ҳосил ололмайди. Шундай ҳолларда фермер хўжалиги раҳбаридан ҳуқуқий билим, малака талаб этилади. Агар хўжаликнинг ўзида ҳуқуқшунос бўлса, тегишли далолатнома тузади ёки хизмат кўрсатувчи корхоналарга талабномалар киритади.

Хуллас, шартномани қонун талаби асосида тузиш, агротехника талабларига мувофиқ турли корхоналар билан муносабатларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун, албатта, ҳуқуқшунос мутахассис жалб қилинмоғи зарур.

Мана, бир ҳаётий мисол. Сирдарё туманидаги "Узоқ бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Сайфуллаев машина трактор парки акциядорлик жамияти билан 2006 йил 11 май куни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатиш ва механизация ёрдамида ишлар бажариш юзасидан шартнома тузган. Унга асосан, МТП фермер хўжалигининг 10 гектар ер майдонидаги буғдойни ўриб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Фермер хўжалиги хизмат кўрсатувчига буғдойни ўриб бериш бўйича тегишли пул маблағини тўлаган. Лекин МТП шартнома мажбуриятини бажаришга, яъни тегишли 10 гектар майдондаги ҳосилни ўриб беришга шошилмаган. Фермер хўжалиги, шартноманинг тегишли бандларига асосан, акциядорлик жамиятини икки марта талабнома жўнатиб огоҳлантирган. МТП талабномадан сўнг фермер хўжалиги ер майдонининг 6 гектарини 2006 йил 6 июнда, қолган қисмини 16 июнда ўрган. Галла кеч ўрилгани сабабли давлатга дон етказиб бериш тўғрисидаги контрактация шартномаси бажарилмаган. Фермер хўжалиги кўрилган зарар ва бой берилган фойдани ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Ўрганиш давомида аризада кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Шундан сўнг вилоят хўжалик судининг қарори билан Сирдарё тумани МТП акциядорлик жамиятидан "Узоқ бобо" фермер хўжалигига етказилган зарар — 944.000 сўм ундириладиган бўлди.

Юқорида айтганимиздек, шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ундаги мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик қонун ёки шартномада белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради. Моддий жавобгарлик эса фермер хўжаликлари ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят адлия бошқармаси томонидан судларга шартномавий масалаларга оид 1021 та даъво аризаси киритилди. Тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятида жами 3451 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Адлия бошқармасининг шартномавий муносабатлар бўйича аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан киритган тақдимномаларига асосан 73 нафар мансабдор шахс интизомий, 5 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 7 нафари эса шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Кўриниб турибдики, ҳаммаси шартнома маданиятини шакллантиришга боғлиқ. Унинг қарор топиши, ўз навбатида, шартнома бўйича тарафларнинг моддий манфаатдорлиги ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг асосий мезони эканини унутмаслик керак.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари ва ҳукумат қарорлари жамиятдаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий тамойил ва йўналишларини белгилаб беради. Идоравий меъёрий ҳужжатлар эса, уларни амалда тадбиқ этиш механизмини жорий этади ва белгилаб берилган тамойиллар ҳамда йўналишларнинг барча қирраларини очиб беради.

Fikr

ИДОРАВИЙ МЕЪЁР

«Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Давлат бошқарув идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ фаолияти идоравий меъёр ижодкорлиги фаолияти, улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса идоравий меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар қонунларни бевосита ижрочилар билан боғловчи муҳим бўғиндир. Шунинг учун қонунчиликда идоравий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашга алоҳида талаблар қўйилади. Яъни идоравий меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатларига тўла риоя этилган ҳолда, улар асосида қабул қилиниши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги қарори билан **«Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»**ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом асосида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан идоравий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, ҳуқуқий экспертиза қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилиш механизми белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу қарорда идоравий меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирининг 2000 йил 16 октябрдаги буйруғи билан **«Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари»** тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда идоравий меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ўтказиш тартиби белгилаб берилган.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш амалиётининг таҳлили мазкур соҳада ечимини кутаётган қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатади:

- идоравий меъёрий ҳужжатларнинг бир-бирини такрорлаши ҳамда улар орасида қарамқаршиликлар мавжудлиги;
- идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлиши ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидаларни нотўғри талқин қилиш ҳолати мавжудлиги;
- амалдаги қонунчилик ўзгариши муносабати билан давлат бошқарув идоралари томонидан ўзлари қабул қилган идоравий меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида қайта кўриб чиқмаслик ҳолатларининг мавжудлиги;
- идоравий меъёрий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш билан боғлиқ айрим муаммоларнинг мавжудлиги.

Ушбу муаммо ва камчиликларга барҳам бериш демократик тамойилларни жамият ҳаётига сингдиришни, шунингдек, идоравий меъёрий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига мос бўлишини таъминлайди.

Зафар ТЎХТАБАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Dakki

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

ёки

дангасалик ва бефарқлик қарз ҳамда жариманинг ундирилишига, шартноманинг бекор қилинишига олиб келганлиги хусусида

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Уларнинг самарали фаолияти, ҳеч шубҳасиз, жамият тараққиётига, моддий манфаатдорликни таъминлашга хизмат қилади. Хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш эса мамлакатимизда қонун билан кафолатланган.

Бу фикрни Самарқанд вилояти адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига киритган бир даъво аризаси ҳам тасдиқлайди. Аввало шуни айтиш керакки, «SAMFRUIT» Ўзбекистон-Багама-Швецария қўшма корхонаси билан «Гулжаҳон» фермер хўжалиги ўртасида 2006 йилнинг 8 апрелида 2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 444-сонли фьючерс шартномаси имзоланган эди. Шартноманинг иловасида июль ойида кабачки маҳсулоти, сентябрь ойида эса гулкарам етказиб бериш қайд қилинган. Аниқроқ айтганда, ана шу муддатда фермер хўжалиги шартномага кўра, қўшма корхонага ҳар бир тоннаси 40 минг сўм бўлган 20 тонна кабачки, ҳар бир тоннаси 60 минг сўмлик 20 тонна гулкарам етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Қўшма корхона шартнома шартидан келиб чиқиб ўн кун ичида шартнома умумий баҳосининг 35 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бўнак пулини тўлайди.

Демак, бир томон ўз зиммасидаги масъулиятни адо этади. Буёғи энди фермернинг, ғайраттижоати, масъулиятни нечоғлик ҳис қилишига боғлиқ.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, деҳқонга асосан яхши уруғлик керак. Минерал ўғит етарли бўлса, ҳосилнинг мўллиги таъминланади. Бундай вазиятда биронбир муаммонинг туғилиши ёки тўсиқнинг учраши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Фақат меҳнат қилиш, экинни экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида, маромида ўтказиш, шартномадаги ҳосилни тайёрлаб ҳамкорларга етказиб беришгина қолаяпти. Агар мажбурият тўлиқ адо этилса, бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор бўлади.

Бироқ фермер хўжалиги қўшма корхонага 144 минг 920 сўмлик маҳсулот топширади-ю, қолганига қўл силтаб қўя қолади. У шартномада қайд этилган ҳосилни топшириш уёқда турсин, бўнак тўловларининг ўзидан 965 минг 229 сўм қарздор бўлиб қолади.

Фермер хўжалигини уруғлик ҳамда минерал ўғит билан етарли миқдорда таъминлаб қўйган қўшма корхона мутасаддилари юқори ҳосилдан умидвор эди. Бу табиий ҳол. Чунки шартномадаги ҳосил қабул қилиб олинса, қўшма корхонанинг эртанги фаолиятига шубҳасиз мадад бўлади. Қўшма корхона бош агрономи Н.Нишонов, мутахассис Ш.Содиқов фермер хўжалиги даласига бориб ҳақиқий аҳволни ўрганишади. Фермер хўжалигига тегишли 1 гектар ер майдонининг 0,96 қисмида кабачки маҳсулоти териб олинмасдан нобуд бўлганлиги, гулкарам уруғлари экиш технологияси нотўғри қўлланилганлиги сабабли униб чиқмаганлиги аниқланиб, фермер хўжалиги раҳбари К.Каримов иштирокида далолатнома тузишади.

Фуқаролик кодексининг 382-моддасида **тарафлардан бирининг шартномани бузиши, иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиш шартномани моддий бузиш ҳисобланади,** деб кўрсатилган. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, тарафлардан бирининг талаби билан суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши белгиланган.

Вилоят хўжалик суди «SAMFRUIT» қўшма корхонаси фойдасига «Гулжаҳон» фермер хўжалиги ҳисобидан 965 минг 229 сўм асосий қарз ва 92 минг 754 сўм жарима, жами 1 миллион 57 минг 983 сўм ундиришга ва томонлар ўртасида тузилган 444-сонли фьючерс шартномасини бекор қилишга қаратилган ҳал қилув қарори чиқарди. Давлат божи ва почта харажатлари ҳам фермер хўжалиги ҳисобидан ундирилди.

Бир сўз билан айтганда, шартнома шартларининг фермер хўжалиги томонидан бажарилмаслиги ўзгага эмас, фақат унинг ўзига зарар бўлди. Шартномада кўрсатилган ҳосил олинмаслигига ҳеч бир муаммо ёки тўсқинлик туғилмаган. Уни дангасалик ва бефарқликдан бошқача изоҳлаб бўлмайди. Шундан кўриниб турибдики, фермерга дангасалик ва бефарқлик ярашмайди.

Фозил АМОНОВ,
ҳуқуқшунос,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Istiqlol va imkoniyat

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҚОНУН

у инсон манфаатларига хизмат қилади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 21 апрелдаги «**Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори билан Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига айлантирилган эди. Шу муносабат билан «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**»ги кодекснинг «**Мусодара қилиш**» номли 27-моддаси, «**Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари**» номли 264-моддаси ва «**Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**» каби бир қатор моддаларига юқорида таъкидланган Департаментнинг янги номини аниқлаштиришга хизмат қиладиган ўзгартишлар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарори билан тасдиқланган «**Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида**»ги Низомнинг 11-бандига мувофиқ нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсларга бериш ва ижарага бериш шартномалари, улар нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун ичида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида мажбурий равишда рўйхатга олиниши керак. Ушбу шартномани рўйхатга олмасдан ёки ҳисобга қўймасдан автомототранспорт воситаларини бошқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Шу сабабли «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**»ги кодекснинг 135-моддасига қўшимчалар киритилиб, ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ва ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, ушбу янги қонунга мувофиқ, Фуқаролик кодексининг «**Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар**», деб номланган 136-моддасига ва «**Нотариат тўғрисида**»ги қонуннинг «**Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномалар**», деб номланган 26-моддасига ҳарбий даволаш муассасаларида даволанаётган, ҳарбий қисмлар жойлашган пунктларда бўлган ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахслар томонидан, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахслар томонидан бериладиган ва ушбу муассасаларнинг бошлиқлари тасдиқлайдиган автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилмаслиги ҳақида қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг «**Транспорт воситасини ижарага бериш шартномасининг шакли**», деб номланган 565-моддасининг аввалги таҳрирдаги биринчи қисмига мувофиқ, Фуқаролик кодексининг «**Мулк ижараси шартномасининг шакли**» номли 539-моддасининг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги ҳақидаги қоидалар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланилмас эди. Ушбу янги қонун қабул қилиниши билан Фуқаролик кодексининг 565-моддаси биринчи қисмидан ижара шартномасига 539-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қоидалар транспорт воситаси ижараси шартномасига нисбатан қўлланилмаслиги ҳақидаги иккинчи жумла чиқариб ташланди.

Албатта, янги қабул қилинаётган ҳар бир қонун аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши билан муҳимдир.

Юқорида таҳлил этилган қонун ҳам моҳият-эътибори билан фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чораларини янада кучайтириш, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга бериш ҳамда расмийлаштириш чоғида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими,
Азимжон АБДУЛЛАЕВ,
ТДЮИ магистри

Huquqiy savodxonlik sari

АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ

Мамлакатимизда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза этилади. Оилада истиқбол эгалари — фарзандлар камол топади. Шу боис, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг тарбияси, соғлиғи, маънавий-ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт, албатта. Эътироф этиш жоизки, тотув, ҳамжиҳат оилаларда фарзандлар тарбияси, уларнинг моддий ва маънавий таъминотига алоҳида эътибор билан қаралади. Юртимизда бундай оилалар жуда кўп. Бироқ гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятларини бажармайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

— Турмуш ўртоғим билан қонуний ажрашганимизга яқинда уч йил тўлади, — дейди Лобар исмли аёл. — Беш йил турмуш қурдик, икки нафар фарзандимиз бор. Ҳозир иккаласи ҳам менинг қарамоғимда. Кичкинаси уч ёшга тўлмагани учун мен вақтинча ишламаяпман. Собиқ турмуш ўртоғим болаларимиз таъминоти ҳақида қайғурмайди. Ҳатто кам миқдорда алимент тўлаш пайида иш жойини ўзгартириб, ўзи раҳбар бўлган хусусий фирмани укасининг номига расмийлаштирган. Икки ой олдин ўғлим оғир дардга чалиниб, касалхонада анча вақт даволанди. Болагинам дадасининг келишини интиқ кутди, ҳар гал уйқудан уйғонганида: «Ая, дадам келмадими?», деб сўрайди. Ўғлимнинг ўкинча тўла нигоҳига дош беролмай, йиғлаб юборган пайтларим бўлди. Бир нарсага ҳайронман: мен-ку аччиқ-тизиқ гапларим билан эримнинг кўнглини қолдиргандирман, бироқ болаларимнинг айби нима? Эр-хотин ўртасидаги жанжалдан нега бегуноҳ фарзандлар азият чекиши керак?

Дарвоқе, Оила кодексининг 96-моддасида: «**Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади**», деб кўрсатилган.

Суд Оила кодексининг 99-моддасига мувофиқ алимент миқдорини белгилайди. Зеро, 99-моддада таъкидланганидек, «**Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади.**

(Давоми тўртинчи бетда)

Жорий йилнинг 11 декабрь куни Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув машғулоти Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 14 йиллиги муносабати билан 7 декабрда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир», **деб номланган маърузасига бағишланди.**

Anjuman

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТ — ИНСОН КАМОЛОТИ АСОСИ

Давлатимиз раҳбари маърузасида мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар — демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамлангани алоҳида қайд этилган.

Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ҳаётимизда демократик қадриятларни шакллантириш, жамиятимизни янгилаш ҳамда Ўзбекистонни ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнларининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда халқаро миқёсда қабул қилинган юридик тамойиллар ва меъёрларга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий макон вужудга келди. Мазкур меъёр ва тамойиллар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига асосланади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари кириб келаётган янги 2007 йилни мамлакатимизда **«Ижтимоий ҳимоя йили»** деб эълон қилар экан, **«қайси йилга қандай ном беришдан қатъи назар – бу оила ёки аёллар масаласи бўладими, соғлом авлод тарбияси, маҳаллаларимизни обод қилиш ёки қарияларни қадрлаш бўладими, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ёки жамиятимизда меҳр-мурувват, инсонпарварлик руҳини кучайтириш бўладими – буларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини эътиборга олиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда»,** дея таъкидлаб ўтди.

Инсон манфаатлари, унинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечириши учун амалга оширилаётган ишларнинг кўлами нечоғлик кенг бўлса, савоб ва хайрли ишлар қанчалик қанот ёйса, миллий қадриятларимиз, азалий удумларимиз шу қадар чуқур илдиз отади. Бу эса ўз навбатида одамларни бир-бирига янада яқинлаштириб, қалбларда меҳр ришталари мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Шунингдек, жорий йилнинг 14 декабрь куни Адлия вазирлигида бўлиб ўтган ўқув машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди Музаффар Мамасидиқов иштирок этиб, **«Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари»** мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Умида ЭРГАШЕВА,
Лолахон КАРИМОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Huquqiy ma`rifat

ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

Ҳаётда меросхўрлар ўртасида мерос мулкини талаб қилиб юрган кишилар учраб туради. Бундай муаммолар одатда қонунни тушунмаслик оқибатида келиб чиқада. Шу сабабли васият ҳамда васият бўйича ворислик тўғрисида баъзи тушунтиришлар бериш фойдадан холи бўлмайди.

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқини, у вафот этган тақдирда тасарруф этиш билан боғлиқ хоҳиш-иродаси васият, деб эътироф этилади. Яъни фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўр ҳисобланувчи бир ёки бир неча шахсга, шунингдек, юридик шахсларга (ташкилот, мактаб, боғча ва ҳоказо), давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига васият қилиб қолдириши мумкин. Васият қилувчи шахс меросхўрлардан бирини, бир нечтасини ёки ҳаммасини, изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақлидир.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақлидир. Фақат нотариал тартибда тасдиқланган бундай васиятнома ҳақиқий ҳисобланади. Қонунга кўра, васиятнома васият қилувчининг вакили орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Чунки нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг оғзидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим.

Васиятномани васият қилувчи ўз қўли билан имзолайди. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли имзо қўёлмаса, унинг илтимоси билан нотариус бунинг сабабларини кўрсатади ва васиятномага бошқа шахс ўз имзосини қўйиши мумкин.

Қонунда васият қилувчининг махфий васиятнома тузиши ҳам кўрсатилган. Бу васиятномани васият қилувчи ўз қўли билан ёзади ва имзолайди, унинг матни билан нотариус танишиб чиқмайди. Бу васиятнома иккита гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиб елимланади. Гувоҳлар ўз исмлари, оталарининг исми ва доимий турар-жойларини кўрсатиб, хатжилдга имзо қўйишади. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланиб унга нотариус тасдиқ хатини ёзиб қўяди.

Васият қилувчи исталган вақтда васиятномасини тўла бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақлидир. Таъкидлаш лозимки, васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома қайта тикланмайди.

Фуқаролик кодексининг 1128-моддасига кўра, нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунига қадар (яъни васият қилувчи вафот этгач) васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас. Бу ҳол юз берган тақдирда айбдор жиноий жавобгарликка тортилади.

Васият қилувчи васиятноманинг ижро этилишини васиятномада ўзи кўрсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга топшириши мумкин. Бу шахс васиятни ижро этувчи, деб аталади. Васиятномани ижро этувчи меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши, барча меросхўрларни васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиши, меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши, ижро этишда сарф бўладиган харажатларни у мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эгадир. Васиятнома ижро этилгач, васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ҳар бир фуқаро ушбу қонун-қоидаларни пухта ўрганиб, васиятноманинг аҳамиятини тушуниб олса, меросхўрлар асоссиз сарсон бўлмайди, мерос масаласи тинч йўл билан ҳал этилади.

Р.БОЗОРОВ,
ҳуқуқшунос

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

КОЛИН ПАУЭЛЛНИНГ ЭЪТИРОФИ

АҚШнинг собиқ давлат котиби Колин Пауэлл CBS-TV телеканали мухбирига берган интервьюсида "АҚШнинг Ирокдаги ҳарбий кучлари жангларда мағлубиятга учрамоқда", деб таъкидлади. Шунингдек, у "Биз ютқизаяпмиз, лекин ҳали бутунлай ташаббусни қўлдан бериб қўйганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам зудлик билан вазиятдан чиқиш чораларини кўришимиз лозим", деди.



Собиқ давлат котибининг фикрича, Ирокдаги вазиятни барқарорлаштириш учун тезликда вазиятни ўзгартириш керак. Бунинг учун, энг аввало, Ироқ ҳарбий кучларини мамлакат хавфсизлигини сақлашга тайёрлаш лозим. Лекин бу тайёргарлик ҳаракати 2007 йилнинг ўрталаридан ошиб кетмаслиги зарур. Акс ҳолда АҚШнинг Ирокдаги мағлубияти муқаррар бўлиб қолади.

Изоҳ ўрнида шуни айтиш керакки, бир муддат аввал Оқ уйда бўлиб, президент Жорж Буш билан учрашган АҚШ ҳарбий кучлари қўмондони ҳам худди шундай фикр билдирган ва тез кунларда қўмондонлик ҳукуматга Ироқ ҳарбий кучларини қайта тайёрлаш режасини тақдим этишини баён этган эди.

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТДИ

Куни кеча Ирокда иш юритаётган Қизил Ярим Ой жамиятининг раҳбари Абдулла Мазен жамият ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақида баёнот берди. Маълум бўлишича, якшанба куни номаълум шахслар жамиятнинг Ироқ пойтахти марказида жойлашган идорасига ҳужум қилишган ва жамиятнинг 20 нафар аъзосини ўғирлаб кетишган. Шунинг учун ҳам жамият раҳбари Абдулла Мазен жамият фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилган.

ГАЗО СЕКТОРИДА НОТИНЧЛИК

"ФАТҲ ва ҲАМАС ҳаракатларининг ўзаро келишувлари фақат бир неча соатгагина чўзилди", — деб хабар беради халқаро интернет сайтларидан бири. Чунки душанба куни эрталаб Фаластин ҳукумати раҳбари Маҳмуд Аббос қароргоҳи жойлашган ҳудудда кўча жанглари бўлиб ўтган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Расмий маълумотларга қараганда, кўча жанглари ўзаро келишув имзолангандан сўнг бир неча соат ўтиб бошланган. ФАТҲ вакилларининг фикрича, ҲАМАС жангарилари Маҳмуд Аббос томонидан муддатидан аввал ўтказилиши белгиланган сайловга тўсқинлик қилиш учун шундай йўл тутишмоқда.

Маълумки, ФАТҲ ва ҲАМАС тарафдорлари ўртасидаги тўқнашув 15 декабрь куни, янаям аниқроғи, Ислом ҳаракати етакчиларидан бири, бош вазир Исмоил Ханиянинг кортежи ўққа тутилгандан сўнг бошланган эди. Икки кун давом этган тўқнашувлар натижасида уч нафар Фаластин фуқароси қурбон бўлган. Шундан кейин ФАТҲ ва ҲАМАС раҳбарлари Миср махсус хизмати ходимлари иштирокида ўзаро тинчлик битимига имзо чеккан эдилар. Бу келишувда янги миллий бирлик ҳукумати тузиш ҳам назарда тутилган эди. Шунингдек, томонлар асирларни алмаштириш, ҳукумат биноларидан қамални олиб ташлаш ва ҲАМАС вакиллари уй қамоғидан озод қилишга ҳам келишиб олган эдилар.

Маҳмуд Аббоснинг муддатдан аввал сайлов ўтказиш ҳақидаги қарори эса яна вазиятни издан чиқариб юборди. ҲАМАС вакиллари Маҳмуд Аббоснинг бу фикрини ҳукумат тўнтаришига уриниш, деб баҳоламоқда.

300 МИНГ ЙЎЛОВЧИ ЙЎЛДА ҚОЛДИ

Айни кунларда Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳри аэропортларида йўловчи тирбанд бўлиб кетган. Чунки кутилмаганда Испания ва Лотин Америкасини боғловчи авиакомпаниялардан бири – "Air Madrid" ўз фаолиятини тўхтатганини эълон қилди. Ваҳоланки, бунгача компания томонидан 300 минг нафар йўловчига чипта сотилган эди. Шунинг учун ҳам янги йилни ўз ватанларида кутишни режалаштириб, чипта харид қилган минглаб йўловчи муҳожирлар аэропортларда норозилик намойишларини ўтказишмоқда. Испания тараққиёт вазирлиги эса – Испанияда авиакомпаниялар айнан ана шу вазирликка бўйсунади – ҳеч бўлмаса бошқа компаниялар ёрдамида йўловчиларнинг маълум бир қисмини ўз ватанларига олиб бориб қўйиш ҳаракатида.

Испания тараққиёт вазири Магдалена Альвареснинг таъкидлашича, "юз берган ҳолат учун тўлиқ "Air Madrid" авиакомпанияси айбдор. Агар у ўз фаолиятини тўхтатмоқчи экан, аввалроқ ҳукуматни огоҳлантириши, энг асосийси, йўловчиларга чипта сотмаслиги лозим эди"...

ҚОТИЛ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Душанба куни Англия полициясининг беш марта қотилликка қўл урган жиноятчини қўлга олди. Расмий маълумотларга қараганда, полиция жиноятчини Англиянинг шарқий ҳудудида жойлашган Тримли аҳоли яшаш пунктидаги уйида ҳибсга олган.

Полиция комиссари Стюарт Гулл берган маълумотга таянib айтадиган бўлсак, қотил Испвич шаҳри атрофида беш нафар фоҳишани ўлдирганликда айбланмоқда. Тергов ишлари давом этаётгани учун ҳозирча қотилнинг исм-шарифи сир сақланмоқда.

Интернет материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади

XXI асрга инсоният оламшумул кашфиётлар, техникавий мўъжизалар ва афсуски, ўтган асрда томир ёйган айрим иллатлар билан кириб келди.

Jinoyat va jazo

САРОБ ОРТИДАГИ ФОЖИА

Суд очерки

«Арзоннинг оши татимас». Доно халқимиз бу мақолни жуда топиб айтган. Ҳақиқатан ҳам, меҳнатсиз қўлга киритилган нарсанинг қадр-қиммати ўзига яраша бўлади. Лекин ҳикматлар замиридаги ҳаётий маъно-мазмунни ҳаммаям тушунавермайди. Чунончи, Асал Обидова (мақолада исм-фамилиялар ўзгартирилган) ушбу даъваткор мақол мағзини жуда кеч англади. Ёшлигидаёқ оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юриб ўрганган Асал ҳаётга ҳам жуда енгил қаради. Оиласи, икки нафар фарзанди бўла туриб, 27 ёшидаёқ (1975 йилда туғилган) қамалиб чиқишга «улгурди». 2002 йили Чилонзор туман судининг ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «А» банди билан 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Кейинчалик унга Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, 3 йил синов муддати белгиланди. Жазодан 2003 йили (бир йил ичида) Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонига асосан озод этилди. Лекин Асал бундай бағрикенглик, кечиримлиликдан тўғри хулоса чиқариб олмади. Аксинча, жиноий гуруҳ тузиб траффик, яъни инсоният тарихидаги энг оғир жиноят – одам савдоси билан шуғулланишни ўзига касб қилди.

2004 йил декабрь ойининг ўрталарида гуруҳ аъзолари А.Обидова, С.Набиева ҳамда тергов даврида шахси аниқланмаган Катялар Тошкент шаҳар, Бектемир тумани Л.Соловьёва кўчасидаги 32-уй олдида учрашиб, олдиндан режалаштирилган жиноятни амалга оширишга киришишди. Ўша куни улар ҳали вояга етмаган, 1989 йилда туғилган М.Наташани чет элдаги диско-клублардан бирида официантка бўлиб ишлайсан, деб алдаб, олиб кетишади. Чет элга етиб келишгач, «Катя» М.Наташани мажбурлаб шаҳвоний мақсадда фойдаланади. Тушган пул эса гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquqiy savodxonlik sari

АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак».

Кези келганда айтиш керакки, ҳатто бирга яшаб, бирга рўзғор тебратиб фарзандига моддий ёрдам кўрсатмайдиган оталар ҳам, афсуски, учраб туради. Мана, бир мисол. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига фуқаро Г.М. жавобгар F.Ҳ.га нисбатан фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ўзининг моддий таъминоти учун нафақа ундириш ва қўшимча оталикни белгилаш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган. Судда аниқланишича, даъвогар — Г.М. жавобгар — Э.Ҳ. билан 2003 йилдан буён қонуний никоҳсиз яшаб келади. Уларнинг 2004 йили туғилган бир нафар фарзанди бор. Эрхотин бирга яшаб, умумий рўзғор юритишса-да, жавобгар Э.Ҳ. ўз хоҳиши билан фарзандига моддий ёрдам кўрсатмаган. Шунингдек, томонлар қонуний никоҳдан ўтишмагани сабабли бола вақтинча ўз онасининг фамилиясида бўлган. Хуллас, даъвогар суддан боланинг отаси деб Э.Ҳ.ни белгилашни сўраган. Оила кодексининг 62-моддасига биноан, ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Суд Оила кодексининг 62,96,99,117-моддалари ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг 203,206-моддаларини қўллаб, даъвогар Г.М.нинг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим, деб топди. Шунингдек, жавобгар Э.Ҳ.нинг 2004 йили туғилган фарзандига оталиги белгиланди. Суд мажлисида жавобгар Э.Ҳ. даъво талабларини тўлиғича тан олди.

Кези келганда айтиш керакки, алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи ижро этиш учун суд ижрочилари бўлинмасига юборилади ва белгиланган ижрочи томонидан назоратга олинади.

Дарҳақиқат, оталик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлар охир-оқибат ўз қилмишига яраша жавоб беришга мажбур бўлади. Хусусан, Яккасарой туманида яшовчи Ш.А. туман судининг ижро варақасига асосан собиқ турмуш ўртоғи А.Д. фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзандини моддий жиҳатдан таъминлаш учун даромадларининг тўртдан бир қисмини тўлаши лозим, деб топилган. Лекин Ш.А. 2005 йилнинг июнь ойидан 2006 йилнинг март ойига қадар ҳеч қаерда ишламасдан, жами 91.350 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келган.

Судланувчи Ш.А. суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдирди. Яккасарой туман суди суд ижрочиси Д.Жўраевнинг гувоҳлик беришича, айбдор суд ижрочилари бўлинмасига бир неча бор чақиртирилиб, Жиноят кодексининг 122-моддаси бўйича огоҳлантирилганига қарамай, алимент қарзини тўламай келган. Унга нисбатан муқаддам уч бор ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суд ишни ҳар томонлама ўрганиб, жабрланувчига Ш.А. томонидан тўланмаган қарзини ундиришни лозим деб топди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 60, 61-моддаларига асосан, Ш.А.нинг муқаддам судланганлиги бўйича тайинланган 1 йил 6 ойлик жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил беш ой муддатга қамоқ жазоси тайинлади.

Ўз қадр-қимматини билган инсон фарзандини ҳеч қачон ташлаб қўймайди.

Қонунга кўра, алимент тўлашга масъул шахснинг ҳеч қаерда ишламаслиги уни бу мажбуриятдан озод этолмайди.

Айни пайтда судлар фаолиятида Олий Суд Пленумининг **«Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарори ижобий самара бераётир. Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судида судланувчи С.Т.нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов идоралари томонидан Жиноят кодексининг 122-моддаси билан малакаланиб, туман прокурори томонидан айблов хулосаси билан судда кўриш учун юборилган. Суд мажлисида жабрланувчи З.У. судда раислик этувчи номига ариза бериб, судланувчи С.Т. билан ҳозирги вақтда ярашганини, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар тўғрисида даъвоси йўқлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишини сўраган.

Суд мазкур ҳолат юзасидан, Жиноят процессуал кодексининг 585-моддаси талабларига асосланиб, ярашувнинг ихтиёрийлигини, судланувчининг ўз айбига иқрорлигини, қилмишининг оқибатларини англаганини, иш бўйича моддий ва маънавий зарар йўқлигини, судланувчи ва жабрланувчининг ярашувига бирон-бир тазйиқ бўлмаганини инобатга олиб, ярашув аризасини тасдиқлашни лозим топди.

Ҳа, ўз айбига иқрор бўлиш, бурчини англаб етиш мардликнинг бир белгиси. Халқимиз «Адашганнинг айби йўқ, қайтиб йўлини топса», деб бежизга айтмаган, ахир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

ЭЪЛОН!

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Самарқанд шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасининг нотариуслик лавозимига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Даъвогарлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаро қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Камол-Отатурк кўчаси, 21-уй.
Маълумотлар учун телефон: 233-13-59, 233-71-57.

Андижон вилояти адлия бошқармаси Асака туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуслик лавозими учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этишни истаган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов эълон қилинган кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида Андижон вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Нотариат бўйича Малака комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган тартибда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармаси нотариат бўйича ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар тегишлича раҳбарият томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаролар эса Малака комиссиясининг қароридан кўчирма топшириши лозим.

Ҳужжатлар Андижон вилоят адлия бошқармаси биносида қабул қилинади.



Давон йўли

Jinoyat va jazo

САРОБ ОРТИДАГИ ФОЖИА

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Жиноий гуруҳ ўз фаолиятини давом эттириб, 2005 йил 20 мартда яна эски жойида учрашиб, бу гал вояга етмаган Заварзина Н. ва Садчикова А.ларни тузоққа илинтиришади. Уларни ҳам чет элдаги ресторанлардан бирида ишлашга жўнатамиз, деган алдов билан олиб боришиб, гумашталарининг қўлига топширишади. У эса, ўз навбатида, қизларни қўрқитиб, ўз ғаразли манфаати йўлида фойдаланади.

2005 йил май ойининг бошларида А.Обидова Гулнора Эркинова билан танишади. Гулнора Эркинова 1962 йилда туғилган. Ҳозирда Тошкент шаҳрида доимий яшайди. Буни қарангки, Гулнора Асалдан нафақат ёш, балки нафс бобида ҳам анча устун экан. У Асал билан учрашиб, қизларни ғаразли мақсадда четга олиб чиқишнинг режасини тузаркан, ўзи ҳам чет элга бориб, жиноий ишдан тушадиган тушумни назорат қилиш шартини қўяди. Томонлар келишишгач, Гулнора она деган номга иснод келтириб, бу кирдикорларга ўз қизи Азиза ва жияни Шоҳидани тортади. Асал, келишилганидек, Гулнора ва унинг қизларини айланма йўллар билан хорижга чиқазиб, «Гарик» исмли шахсга топширади. Гарик эса, жиноий режага мувофиқ, «меҳмон»ларни гуруҳнинг яна бир аъзоси «Гала»га етказади. «Гала» Гулнора ва қизларини шаҳар марказидаги кўп қаватли уйларнинг бирида кутиб олади. Кеч киргач, «Гала» Азиза ва Шоҳидани эргаштириб чиқиб кетади... Орадан бир ҳафта ўтгач, «Гала» Гулнорага мўмайгина пул беради. Чўнтаги қаппайган Гулнора дунё топган тентакдай янги ўлжа илинжида Тошкентга қайтади.

Уйга қайтгач, у янги ўлжа пайига тушади. Шу мақсадда узоқроқ қариндоши Д.Расуловани иш бор, ойлиги 600 АҚШ доллари дея ишонтириб, тузоғига илинтиришга уринади. Бироқ Д.Расулова мусофир ўлкага боришга кўнмайди. Шунда Гулнора жирканч ниятини амалга ошириш мақсадида Расулованинг онасини ишга солади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ она бечора Гулноранинг гапига ишониб, қизини четга ишга боришга кўндиради. Расулова хорижга келгач, Гулнора опасининг гаплари сароблигини, ўзини ёмон ниятда бу ёқларга олиб келишганини англаб етади. Жиноий гуруҳ Расуловадан ҳам айни шу йўлда фойдаланади.

Бу пайтда «иши» силлиқ кетаётганидан хурсанд бўлган Гулнора эса, яна янги ўлжа топиш илинжида юрарди. Ўша йили май ойининг охирларида у А.Қурдошева ва Н.Жамиловани тузоғига илинтиради. Гулнора жиноий шериги А.Норқулова билан тил бириктириб, бу қизларни ҳам олдингилардек алдаб, чет элга олиб келади ва паспортларини олиб қўяди. Алдовнинг қулига айланган, азоб ва ҳақоратлардан эзилган А.Қурдошева ва Н.Жамилова ўша йили 9 июнь куни жиноий тўда чангалидан қочиб, уйларига етиб келишади...

Суд терговида судланувчи Г.Эркинова ўзига қўйилаётган айбларни инкор қилиб, А.Обидованинг ёлғонига учганлигини, қизи ва жиянини ёмон ниятда олиб бормаганини, кейинчалик ишлар бошқача тус олиб кетганини, хуллас, бу кирдикорларда айби йўқлигини айтди. Яна бир судланувчи А.Обидова эса, айбларига қисман иқрор бўлиб, баъзи айбловларга эътироз билдиради. Хусусан, у жиноий шериги Г.Эркинованинг: «Мен Асалнинг сўзларига алдандим», деганига қарши: «Гулнора бошиданоқ ҳаммасини биларди. Менинг олдимга қизи ва жиянини олиб келганида мен унга ҳамма гапни очиқ айтганман, унинг ўзи бунга рози бўлган», дея таъкидлади.

Судда жабрланувчи сифатида иштирок этган М.Наташа, Н.Заварзина, А.Садчикова, А.Қурдошева ва Н.Жамилова гувоҳлик беришиб, чет элга шу икки аёлнинг алдови билан боришганини, уларга берилган ваъда бошида умуман бошқача бўлганини, мусофир юртда жуда қийналишганини, чорасизлик ва қўрқувдан жиноий гуруҳ аъзолари буюрган ишдан бўйин товлай олмаганликларини айтишди.

Ушбу жиноий ишни кўриб чиққан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди айбланувчилар Г.Эркинова ва А.Обидовага қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Бундай мудҳиш жиноятлар ҳар бир софдил инсон қалбида фақат афсус-надоматлар уйғотиши табиий. Ахир, одам боласи ҳайвондан, аввало, қадри, ғурури, қолаверса, инсонлиги билан фарқ қилмайдими?! Наҳотки, арзимаган пул, ўткинчи ҳою-ҳавасларнинг ўнг гулдай беғубор қизини пасткашликка бошлаган аёл — бу қабиҳ нияти билан фарзандининг келажагини қуйдириб юборяётганини тушунмаса? Суд мажлисида судланувчилар жиноят йўлига кирганликлари сабабини қийинчиликлар билан хаспўшламоқчи бўлишди. Лекин судьянинг шу кунгача қаерда ишлагансиз, маъмурий идораларга иш сўраб мурожаат қилганмисиз, деган саволига эса уларнинг ҳеч бири жавоб бера олмади. Демак, улар жиноятни ўзларига «касб» қилиб олишган.

Шу ўринда яқинда қишлоққа борганимда ўзим кўрган бир ҳолат хаёлимда жонланди. Қишлоғимиз тоғлар қўйнида жойлашган, аҳоли чорвачилик билан шуғулланади. Бошқа иш топишнинг имконияти кам. Лекин кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ўша олис тоғ қишлоғида ҳам турмушни янгилаётир. Хусусан, бугун республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйган қасаначилик ҳаракати туфайли одамлар яхшигина наф кўришаётир.

— Ойига қизларим билан тўртбешта гилам тўқийман. Бу тўрт юз мингга яқин пул бўлади, — дейди қўшнимиз Зуҳра хола. — Шу ҳунарнинг орқасидан қизларнинг каттасини узатдик. Қолганларининг ҳам сепи тайёр бўлиб қолди.

Зуҳра хола бу гапларни ўзидан, қилаётган ишидан кўнгли тўлиб гапирди. Ҳозир хаёлан Гулнора билан Зуҳра холани қиёслаб беихтиёр ҳунарли одам — хор бўлмас, деган ҳикматни эсладим. Барча замонларда учраб турадиган жирканч амалларга шароит эмас, балки одамнинг ўзи сабабчи эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Олия ТОШМАТОВА,
ҳуқуқшунос,
Сардор МАДАТОВ,
журналист

Неча асрларки, дунёнинг турли бурчакларида ўз умрини сирли хазиналарни топишга бағишлаган кишилар учраб туради. Улар ҳақида том-том асарлар ёзилган. Ранг-баранг фильмлар ишланган. "Хазина овчи"лари ҳақидаги китобларни ўқиган ёки фильмларни кўрган газетхонлар яхши билишадики, кўп ҳолларда уларнинг ҳаёти фожиа билан якун топади. Аниқроғи, "овчилар" ё бир-бирларига хиёнат қилишади ёки қачонлардир, кимлардир томонидан яширилган хазинанинг сирини топа олмай ҳаётдан кўз юмишади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, буларнинг бари ёзувчиларнинг бадиий тўқимаси ёки режиссёрларнинг хаёлоти маҳсули эмас. "Ҳар қандай афсонанинг остида маълум бир ҳақиқат ётади" деганларидек, бу асарлар ва фильмлардаги бир-биридан қизиқ саргузаштлар ҳам аслида ҳаётий ҳақиқатлар маҳсулидир. Бугун биз сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам юқоридаги фикрларимизнинг исботи бўла олади, деб ўйлаймиз.

Sirli dunyo

ОУК ОРОЛИНИНГ СИРИ

ёхуд

яна хазина қидирувчилар ҳақида

УИЛЬЯМ КИДД ХАЗИНАСИ ҚАЕРДА?

Қарийб тўрт асрдан ошаяптики, хазина қидирувчилар ўз даврида Англияни бир-биридан қаттол қилмишлари билан даҳшатга солган қароқчи Уильям Кидднинг сирли хазинасини қидирадилар. Кидд ўз хазинасини қаерга ва қандай яширгани тўғрисида турли-туман миш-мишлар тарқатадилар. Айрим хазина изловчилар Кидд ўзининг битмас-туганмас хазинасини Нью-Йорк яқинидаги Гардинер-Айленд оролчасига яширган, дейишади. Уларнинг бундай тахмин қилишлари бежиз эмас, албатта. Чунки Кидд Нью-Йоркнинг ўша даврдаги губернатори лорд Белламонт билан жуда яқин муносабатда бўлган ва у ўз хазинасини айнан лорд Белламонтнинг хизматчилари ёрдамида бекитган. Бошқа тахминларга қараганда эса, қароқчи ўз бойликларини Жанубий Хитой худудидаги ороллардан бирига кўмган. Учинчи тахминда эса у ўз хазинасини Мадагаскар оролига бекитган, дейилади. Тўртинчи ва анча ҳақиқатга яқин тахминда эса, Янги Шотландия худудида жойлашган Оук ороли тилга олинади.

Хуллас, ким нима дейишидан қатъий назар, XVII асрнинг иккинчи ярмида Англияни даҳшатга солган қароқчи Уильям Кидднинг хазинаси сирини очишга ҳозирга қадар ҳеч ким муваффақ бўлгани йўқ. Энг қизиғи, орадан ўтган асрлар ва аждодларнинг Кидд хазинасини қидириш давомида фожиали тугаган умрлари ҳам авлодлар "кўзини очиш"га ёрдам бермаяпти. Чунки бугунги бизнинг давримиз, яъни XX1 асрда ҳам хазина изловчилар ҳамон қароқчининг беҳисоб хазинасини қидириш билан банд.

УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Кидд хазинасини қидиришнинг илк палласи Шарқ халқ эртакларидаги "Уч оғайни ботирлар" эртагини ёдга солади. 1795 йилда Махон шаҳарчаси фуқаролари, уч нафар ўспирин – Дэниэл Мак Гиннис, Жон Смит ва Энтони Воонлар қайиқда Оук ороли томон йўл олишади. Аслида йигитчалар хазина излаш ниятида эмасдилар. Улар шунчаки кимсасиз оролчада ҳордиқ чиқаришни режалаштиришган эди. Оролнинг гўзал табиатини томоша қилиб юрган ўспиринлардан бири кутилмаганда улкан дуб дарахти тепасига маҳкамланган кема елканини кўриб қолади. Ҳақиқатдан ҳам, кимсасиз оролда, яна бунинг устига улкан дуб дарахти тепасида кема елканини кўриш ҳайратланарли бир ҳол эди. Дарахт устига чиқиб, елканни олишга чоғланган ўспирин яна бир кутилмаган нарсанинг гувоҳи бўлади. Дуб дарахтининг ёнида қачонлардир қазилган чуқур бўлиб, у йиллар ўтиши билан чўккан ва бу чўкиш ернинг қачонлардир қазилганини очиқ-ошкора кўрсатиб турарди.

Шундан сўнг у дўстларини ёнига чақиради ва ўзаро маслаҳатлашган биродарлар бу ерда хазина яширилган, деган фикрга келишади. Албатта, бу пайтда уларнинг ёнларида ер қазиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар йўқ эди. Шунинг учун ҳам оддий таёқлар ёрдамида ер қазишга киришадилар. Бир пасда бир ярим метр чуқурликни қазиб ташлаган шаввозлар кириш йўли тош ва дуб дарахти кундалари билан мустаҳкам беркитилган ер ости йўлига дуч келишади. Энди уларнинг хазинага дуч келганларига ишончлари комил эди. Лекин ҳар қанча уринишмасин махсус асбоб-ускуналарсиз ер ости йўлининг оғзини оча олмайдилар. Охир-оқибат улар ноилож ортга қайтадилар. Қайтишдан аввал эса хазина ҳақида ҳеч кимга айтмасликка ва бу ерга фақат учовлон бирга келишга қасамёд қиладилар.

НАВБАТДАГИ УРИНИШ

Саргузашт асарлар ва фильмларнинг акси ўлароқ, йигитчалар ўз қасамёдларига хиёнат қилишмайди. Яъни орадан роппа-роса тўққиз йил ўтиб, аниқроғи, 1804 йилда Оук оролига яна бирга келишади. Албатта, бу орада улар улғайган ва хазинани оддий таёқлар билан қазиб олиш мумкин эмаслигига ақллари етар эди. Шунинг учун ҳам бу гал улар Оук оролига ер қазиш учун махсус анжомлар, шунингдек, беш нафар ёлланган ер қазувчи билан бирга келишади. Қазиш ишлари бошланганига бир соат ўтмаёқ улар оролга бежизга қайтиб келишмаганига ишонч ҳосил қилишади. Чунки ер ости йўли ҳар уч метрда тошлар ва дуб дарахти кундалари билан мустаҳкам бекитилган эди. Маълумки, дуб дарахти ер остида ҳам чиримайди. Шунингдек, бу тош ва дарахт кундаларига қандайдир сирли белгилар ҳам қўйилган эди. Афсуски, бу белгилар сирини на йигитлар ва на ер қазувчи ёлланма ишчилар оча олишмайди. Лекин улар орадан кўп ўтмай яна янги муаммога дуч келишади. Қазиш ишларини давом эттириш мақсадида ерталаб ер ости йўлига тушган ёлланма ишчилар йўл бутунлай сувга ғарқ бўлганини кўришади. Сувнинг чуқурлиги 10 метрдан ҳам баланд бўлгани сабабли хазина изловчилар бу гал ҳам ортга қуруқ қўл билан қайтишга мажбур бўлишади...

ШОВ-ШУВ ОҚИБАТИ

Уч оғайни ботирларнинг навбатдаги самарасиз уринишни қутилмаган шов-шувларни келтириб чиқарди. Ёлланма ишчилардан бирими ёки дўстлардан кимдир оғзидан «гуллаб» қуяди. Оқибатда Оук ороли ва ундаги беҳисоб бойликлар ҳақида турли миш-мишлар тарқалиб кетади. Натижада оролга янгидан-янги хазина изловчилар гуруҳи оқиб кела бошлайди. Келувчилар ер ости йўлига "Хазина йўли", деб ном ҳам қўйиб олишади. Лекин барча хазина изловчиларнинг уринишлари зое кетади. Албатта, бу даврга келиб техника бирмунча ривожланган, энди хазина изловчилар оддий белкуракларнинг эмас, аксинча, ер қазишга мўлжалланган махсус техникалар билан "қуролланишган" эди. 1805 йилда Оук оролига келган хазина изловчилар гуруҳи ана шу техника воситалари ёрдамида "Хазина йўли"га ёнма-ён иккинчи шахтани қазишади. Уларнинг мақсади хазина яширилган шахтадаги сувни иккинчи шахтага оқизиш эди. Узоқ уринишлардан кейин шундай ҳам бўлади. Биринчисига нисбатан ўттиз метрлар чамаси чуқур қазилган шахтага сув очилади. Икки шахтанинг бир-бирига уланган қисмида сув шу даражада катта босим билан ўтадики, бу пайтда шахтада бўлган ишчилар зўрбазўр жон сақлаб қолишади. Энг қизиғи эса, ўттиз метр чуқурликда қазилган шахта сувга тўлади ҳамки, биринчи шахтанинг суви бир томчи бўлсин камаймайди. Бу эса ўша вақтда Уильям Кидд ўз бойликларини сирли тарзда тилсимлаган, деган миш-мишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Аслида эса бунинг ҳеч қандай сири йўқ эди. Чунки ҳар иккала шахта ҳам денгиз сатҳидан пастда жойлашган бўлиб, денгиз суви қуримасдан туриб, шахталарнинг сувини қуритиб бўлмасди. Ҳақиқатдан кўра миш-мишларга ўч бўлган хазина изловчилар эса масаланинг ана шу жиҳатига эътибор беришмайди.

ОРАДАН ЙИЛЛАР ЎТИБ...

Орадан ўтган йиллар ҳам Кидд хазинаси сирини очиб бера олмади. 1845 йил, аниқроғи, иккинчи уринишдан сўнг роппа-роса 40 йил ўтиб уч оғайни ботирларнинг бири – Энтони Воон яна Оук оролига қайтади. Бу орада Оукка ўнлаб хазина изловчи гуруҳлар ташриф буюрган ва ҳаммаси қуруқ қўл билан қайтишган эди. Бу вақтга келиб Энтони Воон олтмиш ёшга кирган, унинг дўстлари Дэниэл Мак Гиннис ва Жон Смитлар аллақачон бу дунёни тарк этишганди. Энтони эса машҳур тадбиркор эди. Унинг имкониятлари ҳам бундан 40 йил аввалгига нисбатан анча кенг эди. Шунинг учун ҳам Энтони бу гал хазинани топиш мақсадида махсус бурғулаш техникаси буюртма беради ва "Синдикат Труро" компаниясига асос солади. "Синдикат Труро" компанияси қазишни бошлаган 1845 йилда яна бир кутилмаган ҳолат юз беради. Ернинг маълум қатламини бурғулаган техника кутилмаганда бўшлиққа дуч келади ва бурғу анча чуқурга тушиб кетади. Бурғуни чуқурликдан тортиб олишганда унинг учида темир парчалари ва аёллар тақиши учун мўлжаллаб тайёрланган олтин занжир бўлаги бор эди. Бу топилма хазина изловчиларни янада ғайрат билан қазишга чорлайди. Лекин 1849 йилдан 1865 йилгача давом этган қазиш ишлари бирор-бир натижа бермайди...

1865 йилда бурғулаш аппаратининг созлаётган ишчи Жеймс Питбладо унинг учига ёпишиб қолган қандайдир бир предметни чўнтагига солиб олади. Бунга гувоҳ бўлган бурғуловчилардан бири унинг нима топиб олгани билан қизиқади. Жеймс эса ўз топилмасини фақатгина компания директорлар кенгашидагина кўрсатишини маълум қилади. Бундан хабар топган Энтони Воон зудлик билан директорлар кенгаши йиғилишини чақиради. Лекин компания директорлар кенгаши йиғилиб бўлганда Жеймс Питбладо аллақачон оролдан жуфтакни ростлаб қолган эди. Кейинчалик халқ орасида пайдо бўлган миш-мишларга қараганда, Жеймс ўшанда каттагина олмос бўлагини топиб олган. Шунинг учун бир кечада оролдан қочиб кетган ва узоқ йиллар ширириб юрган. Орадан маълум вақт ўтиб яна пайдо бўлган Питбладо Оук оролининг бир қисмини сотиб олишга ҳаракат қилади. Лекин унинг хиёнаткорлигини билган компания директорлар кенгаши бунга рухсат бермайди. Албатта, Жеймс Питбладонинг сўнгги ҳаракатлари ўшанда у қандайдир бойликни қўлга киритганидан далолат беради. Лекин у қандай бойлик ва нимага арзиши эса сирлигича қолиб кетган...

(Давоми кейинги сонда)

Хорижий матбуот материаллари асосида И.ҲАМРОЕВ тайёрлади

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-1416. Тиражи — 7500.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6